

THE EFFECT OF THE EVENTS OF FEBRUARY 1917 ON THE SOCIAL

AND POLITICAL LIFE OF THE BUKHARA EMIRATE

(Muhammad Sharifjan Makhdum Sadri in Zia's interpretation)

Dilnoza Yangiboeva Oktamovna

Senior Lecturer of Termiz State University, .(PhD)

Tel.: (91)236 36 52;

e-mail: yangibaeva11078@mail.ru

Annotation

In this article, the direct participation of the Bukhara intellectual Muhammad Sharifjan Makhdum Sadri Zia in the events that took place in the Bukhara Emirate in 1917 and its coverage in his works are studied.

Keywords: February Revolution, Young Bukharans, reform, manifesto, Qazikalon, demonstration, Qazili of Kashi.

1917 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ ВОҚЕАЛАРИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

(Муҳаммад Шарифжон Маҳдум Садри Зиё талқинида)


АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақолада Бухоро зиёлиси Муҳаммад Шарифжон маҳдум Садри Зиёнинг 1917 йил Бухоро амирлигида рўй берган воқеа-ҳодисаларда бевосита иштироки ва асарларида ёритилиши ўрганилган.

Калит сўзлар: Февраль инқилоби, Ёш бухороликлар, ислоҳот, манифест, қозикалон, намойиш, Қарши қозилиги.

Россияда юз берган февраль инқилоби ва 1917 йилда большевикларнинг октябрь тўнтариши Бухоро амирлигида сиёсий жараёнларнинг кучайишига турткни бўлди. Айниқса, руслар ва амирлик худудидаги рус манзиллари янги Бухоро (Когон), Термиз, Керки, Янги Чоржўйлар бу жараёнда олдинги сафда эдилар.

Февраль инқилобининг ғалабаси ва Россия императори Николай II нинг ўз хоҳиши билан таҳтдан воз кечганлиги ҳақидаги хабар амирлик халқи томонидан катта қувонч билан кутиб олинди. Улар бу тарихий воқеани ўз мамлакатларининг Россия мустамлакачилик зулмидан озод бўлиши ҳамда мустақиллик ва тараққиёт йўлидан ривожланиши учун имкон берадиган бир воқеа сифатида қабул қилдилар[16]. Бу даврда Бухоро амирлиги худудида жадидчилик ҳаракати ва ундан ўсиб чиққан Ёш бухороликлар партиясининг фаолияти кучайди. Ёш бухороликлар даставвал мавжуд монархия тузуми доирасида демократик ислоҳотлар ўтказиш, конституциявий монархия



ўрнатиш орқали амирнинг мутлақ ҳокимиятини чеклаб қўйиш тарафдори бўлишган.


Ёш бухороликлар партиясининг етакчиси Файзулла Хўжаевнинг кейинчалик ёзишича, Абдулоҳид Бурҳонов (Мунзим, 1875-1934 йиллар) бошлигидаги эски жадидларнинг фикрича, февраль инқилоби таъсирида амир Сайд Олимхон давлат ишларини бошқарув соҳасида маълум даражада ислоҳотларни амалга оширади ва бекларни назорат қилувчи халқ вакиллари муассасасини ташкил этади, деган фикрда бўлсалар, Фитрат етакчилигидаги ёш жадидлар халқнинг ҳаракатсизлигидан фойдаланган амир Петрограддаги Муваққат ҳукумат билан узоқ муддатли шартнома тузиб, мабодо ислоҳотлар ўтказганда ҳам арзимас эркинликларни беради, деб ўйлаганлар[17].

1917 йилнинг марта Файзулла Хўжаевнинг Бухоро шаҳридаги ҳовлисида Ёш бухороликларнинг маҳсус кенгаши бўлиб, унда партиянинг 50 дан ортиқ фаоллари иштирок этишди. Кенгаща Муваққат ҳукуматга, шунингдек, ишчи ва солдат депутатлари Петроград советига телеграф орқали мурожаатнома тайёрланган. 1917 йил 14 марта Бухородан Фитрат ва Мусо Йўлдошев имзолаган телеграмма Петрограддаги Муваққат ҳукумат раҳбарлари Г.В.Львов, А.Ф.Керенский, М.В.Родзянский, А.И.Гучков номига юборилди. Бу телеграммада ёш бухороликлар Россия империяси асоратидан қутулган Россия халқи ва унинг янги ҳукуматини қутлаб, улардан Бухорода ҳам демократик бошқарувнинг озодлик ва тенглик тарзи ҳақида қўрсатма беришларини сўрайди.

Мазкур воқеадан кейин, амир Сайд Олимхон ҳукумат таркибини бироз ўзгартириш билан кифояланди. Яъни, 1917 йилнинг 27 марта вазир Мирзо Насруллонинг таклифига кўра амир Олимхон (1910-1920 йиллар) Садри Зиёни Бухоронинг қозикалони этиб тайинлайди. Садри Зиё бу ҳақда: «Баъзи инқилобчилар ва тараққийпарварлар талабига биноан амир ва вазир мени бу лавозимга лойиқ деб билишди ва тайинлашди».

Садри Зиё кундалигининг маълумотларига қараганда, амир Олимхон яна бир неча бор жадид-тараққийпарварларнинг вакилларини ҳукумат таркибига киритишга мажбур бўлган. Жумладан, Абдусамад хўжа Садри Самарқандий Бухоро шахрининг раиси этиб тайинланган.

Шарифжон Садри Зиё 1917 йилги сиёсий жараёнларни таҳтил қилиб, уларни Россиядаги воқеалар, биринчи жаҳон уруши натижалари ва феврал инқилоби билан боғлайди. У ўзининг кундалигига бу воқеалар ҳақида батафсил маълумот берган: “Амир ислоҳотни ўтказишдан олдин тараққийпарвар уламолар вакилларининг бир қисмини давлат ишларига жалб қила бошлади. 1917 йил 7 апрелда мамлакатни (давлатни) ислоҳ қилиш бўйича у ўзининг мурожаатномасини эълон қилди. Мурожаатнома давлат ислоҳот тарафдорлари ва янгилик фанимлари ўртасида қаттиқ қаршиликлар келиб чиқишига сабабчи




Умуман, Садри Зиё эсдаликларидан шу нарса маълум бўладики, лавозимлардан бўшатилган собиқ амалдорлар, катта мансаб эгалари ва руҳонийларнинг эскиликни йўқловчи қисми, сабиқ қозикалон Бурҳониддин, Мулло Исомиддин садр кабилар ва бошқалар халқ орасида ислоҳотга ва уларнинг ўринларини ҳамда лавозимларини эгаллаган янги тараққийтпарварларга қарши тарғибот ишларини олиб бора бошлиганлар[18].

Садри Зиё бу реакция амалийётининг бошланишидан аввал унинг олдини олиш учун ҳаракат қилган. Жумладан, ифво тарқатилишидан бир кун олдин - шанба куни икки мулладан шаҳарда ислоҳотга қарши ифво ва фитна тарқатилишини эшитди ва зудлик билан қўшбегига телефон орқали фитна тайёрланаётгани ҳақида маълумот берди ва “Фитнакорларни ушлайми?” дея сўради. Аммо қўшбеги иғвогарларни ҳибсга олиш ва умуман, Шарифжон маҳдумнинг бирор бир аралашувини ман қилди. Шу тариқа, реакция тўсиқларсиз, тўғрироғи, жамиятнинг юқори қатламларини қўлга олиш учун оқимга қарши куч ишлатди. Ёш бухороликларнинг Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа бошчилигидаги сўл қаноти фармон эълон қилинган куннинг эртасига – 1917 йил 8 апрелда Бухоро шаҳрида катта намойиш уюштириди ва Регистонда митинг ўтказди. Бироқ Сайд Олимхон намойишчиларни куч билан тарқатиб юбориб, уларнинг раҳбарларини зиндонга ташлади[19]. Ушбу воқеларнинг шоҳиди бўлган Муҳаммад Али Балжуоний ўзининг «Тарихи нофейй» асарида шундай ёзади: «Шарифжон қози калон бўлганидан кейин тараққийпарварлар жамоаси кучайиб, катта жамоага айланди. Уларнинг энг катталари қозихонага келиб, намойишга ижозат олиб, улардан қарийб 500 нафар гузари Жўйбор ва Хиёбондан қизил ҳуррият байроқларини кўтариб «Яшасин ҳуррият!» деб кела бошлидилар. Улар Регистон ва Аркка ҳужум билан ўтмоқчи бўлдилар. Бутун шаҳарда ғалаён кўтардилар. Аҳли Бухорони ваҳима босди. Баъзи одамлар ҳуррият бўлибди, деб уларга қўшилдилар. Шу аснода Регистон тарафдан милтиқ овози эштила бошлади. Бу жамоа қочишини ихтиёр қилди. Бухоро ҳарбий аскарлари ҳаракатга келиб ҳужумга ўтдилар. Амир билан қўшбеги «бу жамоай авбош Бухоронинг ва дини ҳақнинг душмани бўладилар, уриб олиб келинглар» деб амр бердилар».

Садри Зиёнинг маълумотларига қараганда, шу куни амир саройда бўлмаган (ёки намойишчилар олдига чиққиси келмаган). Аҳоли уламо бошчилигига саройга ошиб ўтган ва Бухоро раиси Абдусамад ҳожига ҳужум қилган ва уни калтаклаган.


1917 йил 9 апрелда шу гуруҳ Садри Зиёнинг ўзига ҳужум қилган, у воқеа тафсилотларини шундай баён қилади: “Истироҳат боғининг дарвозаси орқали Регистонга яқинлашгач, мен у ерда турли тоифадан иборат бир неча гуруҳларни кўрдим, улар турли жойларда ўтиришарди.



Нодонларнинг бир гуруҳи мени қўриб, ўраб олишди ва Арк томонга ўтишимга йўл қўйишмади. Тадбирсиз амир ўзининг деразаси олдида маҳсус равишда кузатиб ўтирган эди. Бу вақтда собиқ қозикалон Бурҳониддиннинг ҳамтовоқлари ва хизматкорларидан бири, мударрис Абулфаттоҳ исмли бир кимса, чопонимнинг этагига илашиб олди[20]. У ўзининг шериклари билан биргаликда мени отдан судраб туширди. Улар мени қўллари ва калтаклар билан уришди, оёқлари билан тепдилар. Бир фурсат фикру хаёлимни жамлаб олдим, сўнг мен хушимни йўқотдим ва нима бўлганини, қандай қилиб уларнинг қўлидан қутулиб қолганимни тушунмадим. Бутунлай заифлик пайдо бўлиб, аҳволимни ва аъзойи баданимни қай ҳолатдалигини билмасдим...Шу қадар ўзимни йўқотиб қўйгандимки, кўз олдимда эшиклари берк, тор ва қоронғу уй кўрингандай эди. Мени қамаб қўйганларига ҳеч шак-шубҳам йўқ эди. Бир пайт эшик очилиб, хонага бир киши оҳиста кирди. Вазият ва аҳволдан мени ҳалок қилиш мақсади борлигидан гумон қилгандим”.

Садри Зиёни амир юборган қуролли соқчилар қутқардилар, Амир Олимхон ҳамма воқеани сарой хонқаси устидаги айвондан қузатиб турганди. Бу воқеалар хусусида Муҳаммад Али Балжувоний шундай маълумот беради: «Бу ҳодисадан кейин амир ва Бухоро вазирлари тараққийпарварлар билан сулҳ тузмоқчи бўлиб, мажлис чақириш учун Бухоронинг ҳамма саркарда ва аъёнларини йиғдилар[21]. Амир жиловхонасида ҳам юз мингга яқин ҳалқ томошабин сифатида йиғилди. Бу воқеа мазкур йили якшанба куни содир бўлди (1917 йил 9 апрел)[25]. Мажлиснинг музокаралари жараёнида замонанинг қози ул-қуззоти Шарифжон маҳдум ранго-ранг зардўзлик ва пудгарон кийимларни кийиб, мажлисда қатнашиш учун 30-40 нафар мулоzимлари билан Регистондан оломон ўртасидан “пўшт-пўшт” лаб арки олийга кирмоқчи бўлди. Бир вақт оломон ўртасидан “бу қизил жадид ва бединни уринглар, шу тўполон унинг айби билан бўлди, бўлмаса жадидлар шунга (бундай) ҳаракат қилишмасдилар”, деган овозлар бурчак-бурчакдан чиқа бошлади. Дарров одамлар қозикалонни беобру қилиб, урмоқ учун ҳаракат қилдилар. Оломон қозикалонни қаттиқ урди, зардўзлик кийимлари йиртилиб кетиб, камарбанди, қўшкорди, салласи ва қуроллари ўлжа қилиб олинди. Талотўп вақтида амир арк иморатидан ойболта билан деразани синдириб, қўл билан “урманглар” деб ишорат қилди”.

Муҳаммад Алининг фикрига кўра, Шарифжон маҳдум Бухорода ҳуррият бўлишида саъй ҳаракат қилган тараққийпарварларнинг бошлиқларидан бири бўлган, шунинг учун ҳам унинг қозикалон бўлиши таклиф қилинган[22]. Шубҳасиз, Муҳаммад Али Балжувоний бу ерда зикр қилган гўё “қозикалон Садри Зиё Бухоро озодлиги учун саъй-ҳаракатлар олиб борган тараққийпарварлардан бири бўлган”, деган маълумот ҳақиқатга тўғри келмайди: у жадидлар ҳаракатида иштирок этмаган, фақат тараққийпарварлик тарафида бўлган.



Мирза Салимбекнинг хабар беришича, Шарифжон маҳдумни ҳалок қилолмаган мутаассиб муллалар амирдан уни қозикалонлик мансабидан бекор қилиш зарур, деб талаб қилган[24]. Шунингдек, бошқа янгилик тарафдорларини ҳам ишдан бўшатилишини талаб қилганлар.

1917 йил 8 апрелда Бухорода бўлган намойишдан кейин А.Я.Миллер (1868-1940) ва унинг ёрдамчилари Н.А.Шульга, П.Введенский (1880-1938) ва И.И.Умняков (1890-1976) ўзларини истеъфога чиқаришни сўраб, Россия Ташқи ишлар вазирига мурожаат қилишган.


Намойишни баҳона қилиб, 14 апрелда амир ўз фармонини бекор қилди. «Амир Сайд Олимхон томонидан Абдусамад судур ва Насрулло қўшбеги жадиларни қўллаб қувватлаганлиқда айбландилар ва уларни лавозимларидан бўшатиб, Низомиддин Урганжий (девонбеги, 1920 йилда ўлдирилган) қўшбеги, Мулло Исомиддин эса Бухоронинг раиси этиб тайинлади. Амир руҳонийларнинг эскиликни ёқловчи қисмининг талабини қондириб, ўз мамлакатида тартиб ўрнатишга муваффақ бўлади». Хуллас, Ёш бухороликларнинг демократик ислоҳотларни тинч йўл билан амалга ошириш мақсади пучга чиқди.

Амир Олимхон Садри Зиёни Аркка чақириб, Қарши тумани қозилигига таклиф қилди. Садри Зиё бу таклифга рози бўлмайди. «Бу воқеадан кейин икки кун ўтгач, - дейди Садри Зиё, - Баротбек удайчи, агар яна бир маротаба бу таклифни рад этсам, Кармина шахрида маҳбуслиқда юришимни етказди. Ночор таклифни қабул қилдим». Садри Зиё 1917 йилнинг 10 октябрида Қаршига қози этиб тайинланди[23].


Октябр тўнтаришидан сўнг совет Россияси билан Бухоро ўртасидаги муносабатлар ёмонлашди. Бухоро амири мумкин қадар сиёсатга, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга аралашмасликка тиришди ва Туркистондаги мустақиллик харакатларига хеч қандайин муносабат кўрсатмади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Садри Зиё. Рўзнома //қўлёзма. Абу Райён Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. №2277.
2. The Diary of Muhammad Sharif-I Sadr-I Ziya [Brill's Inner Asian Library, 9], Translated from the Original Manuscript by Rustam Shukurov, with an Introductory Study and Commentaries by Muhammadjon Shakuri, Project Direktor Shahrbanou Tadjbaksh, Editor, English Language Edition Edward A. Allworth Leiden, 2004.
3. Айни Садриддин. Таърихи инқилоби Бухоро.
4. Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига оид материаллар. –Т.:Фан, 1997.
5. Муҳаммад Сайд Балжувоний. Тарихи Нофей (Фойдали тарих). Тожик тилидан Ш.Воҳидов, З.Чориев таржимаси. –Тошкент: Академия, 2001.



6. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими (Источник по истории Бухарского эмирата). Перевод с персидского, вводная статья и примечания: Н.Норкулов. – Ташкент: Академия, 2009.
7. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб. –Тошкент, 2019.
8. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. –Тошкент, 2002.
9. Эсонова Ш. Садри Зиёнинг “Рўзнома” асари тарихий манба сифатида /Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. –Тошкент: Шарқ, 1999. –Б.74-83.
10. Вохидов Ш., Чориев З. Садр-и Зия и его библиотека. – Т., 2007.
11. Андижон Аҳад. Туркистон учун қураш. Биринчи жилд. /Туркчадан Тоҳир Қаҳҳор таржимаси. –Тошкент: Tafakkur, 2017.
12. Yangiboyeva D.U. The Effect of the Russian Empire on the Political Life of the Emirate of Bukhara (1868-1917) //The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(10), 2020. R.171-177.
13. Yangiboyeva D.U. Social Activity of Kazi Sharifjon Maxdum //Middle European Scientific Bulletin, Vol 13 (2021). P. 195-199.
14. Янгибаева Д.У.Библиотека Садри Зия в институте востоковедения АН Республики Узбекистан: каталог составленный владельцем, состав и судьба коллекции. //Бюллетень науки и практики. Электронный журнал 2017. №4(17). Россия. –С.293-303.
15. Yangiboeva D.U. Intellectual Heritage of Sharifjon Maxdum Sadri Ziyо /International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. Vol.8, Issue 12 Desember, 2021. –P. 495-504. / <http://dx.doi.org/10.18415/ijmmu.v8i12.3358>.
16. Ra'no, T. U. (2017). Religious and social thoughts of the people of ancient India, Central Asia and Iran. Himalayan and Central Asian Studies, 21(1), 61.
17. Urazova, R. T. (2016). INTERPRETATION OF THE 31ST GATHA OF YASNAIN" AVESTA". Himalayan and Central Asian Studies, 20(4), 90.
18. Уразова, Р. Т. (2022, April). АНАЛИЗ УРОВНЕЙ СОЦИАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ ПО РЕЛИГИОЗНЫМ ИСТОЧНИКАМ (НА ПРИМЕРЕ АВЕСТА И РИГВЕДА). In E Conference Zone (pp. 183-185).
19. Турсунов, С. Н., Қобилов ЭО, П. Т., & Муртазаев, З. М. (2001). Сурхондарё тарих кўзгусида. Тошкент:«Шарқ».
20. Турсунов, С. (2004). Сурхондарё тарихи. " Шарқ" нашриёт-матбаа акция дорлик компанияси Бош таҳририяти.
21. Tursunov, S., Kobilov, E., & Pardayev, T. (2001). others. Surkhandarya in the mirror of history. T.:“Sharq».
22. Турсунов, С. Н., Пардаев, Т. Р., Турсунова, Н. М., & Муртазоев, Б. (2015). Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шакилланиши ва тараққиёти тарихи.
- 23.
- 24.
25. <https://ejedl.academia.edu> **Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning** is a scholarly peer reviewed international Journal



26. Турсунов, С., Пардаев, Т., & Маҳмадиёрова, Н. (2012). Сурхондарё–этнографик макон.
27. Tursunov, S. (2008). Toponyms of Surkhandarya region. T.: Alisher Navoi National Library of Uzbekistan.